# БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

| | | | |
|---|---|---|---|
| Шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар | 1,4 | 102 | 152 |
| Холодильниклар ва морозильниклар, миллион дона | 1,6 | 100,6 | 108 |
| Радиоприемниклар, миллион дона | 2,0 | 96 | 103 |
| Магнитофонлар, миллион дона | 1,4 | 97 | 125 |
| Видеомагнитофонлар, минг дона | 14,8 | 102 | 3 баравар |
| Тикув машиналари, минг дона | 394 | 94 | 108 |
| Шу жумладан «зигзаг» типидаги машиналар | 252 | 100,6 | 110 |
| Кир ювиш машиналари, миллион дона | 1,5 | 97 | 111 |
| Электр пилесослар, миллион дона | 1,2 | 96 | 110 |
| Мебель, миллиард сўмлик | 2,3 | 101 | 108 |
| Мотоциклар, минг дона | 254 | 100,3 | 111 |
| Велосипедлар (болалар велосипедидан ташқари) миллион дона | 1,4 | 99,4 | 103 |
| Енгил автомобиллар, минг дона | 331 | 100,3 | 99,5 |
| Соатлар, миллион дона | 18,2 | 101 | 108 |
| Чинни-фаянс ва майолика идишлар, миллион сўмлик | 264 | 103 | 107 |
| Навли идиш (шиша ва биллурдан ясалгани), миллион сўмлик | 251 | 106 | 115 |
| Деворбоп гулли қоғоз, миллион шартли бўлак | 140 | 102 | 113 |
| Қоғоз-товарлари, миллион сўмлик | 202 | 104 | 104 |
| Рўзғор электр буюмлари учун элементлар ва галваник батареялар, миллион дона | 243 | 103 | 106 |

Январь-март ойларида чакана нархларда 80 миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли товарлари (алкоголли ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 миллиард сўмлик кўпдир.

Алоҳида урф бўлган буюмлар ва истеъмол хоссалари яхшиланган янги товарлар ишлаб чиқариш бир ярим баравардан кўпроқ ортди.

Шу билан бирга СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Электротехника саноати министрлиги, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал хўжалиги машинасозлиги министрлиги ва бошқа айрим министрликларнинг корхоналари топшириқларни бажаришда қолоқликка йўл қўйдилар.

Истеъмолчиларга 87 мингта радиоприёмник қурилмаси, 42 мингта магнитофон, 44 мингта кир ювиш ва 26 мингта тикув машинаси, 44 мингта электр пилесоси кам етказиб берилди.

СССР Енгил саноат министрлиги биринчи кварталда конкрет номенклатура бўйича 164 миллион сўмлик маҳсулот ва товарларни кам етказиб берди.

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплексининг саноат корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1 квартал топшириқларини бажардилар. Аммо аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бир қанча жойларда жиддий камчиликлар бор.

**Озиқ-овқат маҳсулотининг** асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди.

| | амалда 1988 йилнинг I кварталида | топшириқнинг бажарилиш проценти | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (давлат ресурслари ҳисобига), миллион тонна | 3,1 | 108 | 102 |
| Колбаса маҳсулотлари, минг тонна | 955 | 103 | 104 |
| Сариёғ (минг тонна) | 287 | 113 | 108 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари ҳисобидан) миллион тонна | 8,0 | 104 | 103 |
| Ёғлиқ пишлоқ, минг тонна | 191 | 105 | 105 |
| Маргарин маҳсулоти, минг тонна | 433 | 101 | 103 |
| Қанд-шакар, миллион тонна | 1,5 | 106 | 111 |
| Ўсимлик ёғи, миллион тонна | 0,9 | 103 | 105 |
| Кондитер маҳсулотлари, миллион тонна | 1,3 | 103 | 104 |
| Консервалар, миллиард шартли банка | 3,8 | 107 | 105 |
| Жумладан мева-сабзавот консервалари | 2,5 | 108 | 106 |
| Овқатбоп балиқ маҳсулоти, балиқ консерваларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, миллион тонна | 1,7 | 112 | 103 |

Грузия ССР ва Озарбайжон ССР саноат корхоналари гўшт етиштириш топшириғини, Тожикистон ССР саноат корхоналари ўсимлик ёғи ва сариёғ ишлаб чиқариш топшириғини, Озарбайжон ССР корхоналари қаймоғи олинмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириғини бажармадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида биринчи кварталда 5,6 миллион тонна гўшт (тирик вазнда) етиштирилди. Ёки ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 2 процент кўп гўшт тайёрланди. 17,3 миллион тонна (5 процент кўп) сут соғиб олинди, 15,6 миллиард дона тухум (6 процент кўп) тайёрланди. Ҳар бир сигирдан ўртача сут соғиб олиш 6 процент кўпайди, ҳар бир товуқдан тухум олиш 5 процент ортди.

Хўжаликларнинг барча категорияларида **чорвачилик маҳсулотлари** хариди қуйидагича бўлди:

| | Биринчи квартал | | |
|---|---|---|---|
| | 1987 йил | 1988 йил | 1988 йилда 1987 йилга нисбатан процент ҳисобида |
| Чорва ва парранда (тирик вазнда), миллион тонна | 5,7 | 5,9 | 103 |
| Сут, миллион тонна | 14,5 | 15,3 | 106 |
| Тухум, миллиард дона | 14,2 | 15,0 | 106 |

Украина ССР, Грузия ССР, Молдавия ССР, Эстония ССР хўжаликлари биринчи кварталда чорва ва парранда хариди ҳажмини; Тожикистон ССР ва Арманистон ССР хўжаликлари сут хариди ҳажмини камайтириб юбордилар.

Украина ССРдан ташқари барча иттифоқдош республикалар умумиттифоқ фондига планга кўра чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилишини таъминладилар. Украина ССР гўшт маҳсулотлари планини бажармади.

Январь-март ойларида қишлоқ хўжалик корхоналаридан парник-теплицаларда ва очиқ ҳавода етиштирилган 114,3 минг тонна эртанги сабзавот харид қилинди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,6 минг тонна ёки 10 процент камдир, 1,5 минг тонна помидор, 54,5 минг тонна бодринг, 0,9 минг тонна карам, 52,6 минг тонна ошкўк харид қилинди. Молдавия ССР ва Туркманистон ССРдан ташқари барча иттифоқдош республикаларда сабзавот хариди камайди.

Техникани **кўкламги дала** ишларига тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда. Апрелнинг бошларигача жами тракторларнинг 92 проценти, трактор плуглари ва культиваторларнинг 98 проценти, сеялкаларнинг 99 проценти ишга шай қилиб қўйилди. Аммо ҳамма жойда ҳам техника ремонти ва уни ишга тайёрлаш зарур суръатларда олиб борилаётгани йўқ. Оқибатда, мамлакат хўжаликларида 1 апрелга қадар 222 минг трактор (шулардан 43 мингтаси энергия билан ниҳоятда кўп таъминланган), 203 минг юк автомобили, 234 минг трактор прицепи техникавий жиҳатдан носоз аҳволда эди. РСФСР, Украина ССР ва Молдавия ССРда носоз юк автомобиллари, РСФСР, Украина ССР ва Туркманистон ССРда носоз трактор прицеплари, РСФСР, Туркманистон ССР ва Эстония ССРда минерал ўғит сочадиган носоз қурилмалар, РСФСР, Латвия ССР ва Туркманистон ССРда ерга органик ўғит соладиган носоз машиналар салмоғи кўп бўлди. Озуқа йиғиштириб оладиган техника ремонти суст бормоқда.

Тракторлар ҳамда тупроққа ишлов берадиган ва экиш машиналарининг, минерал ўғитлар ҳамда химиявий озуқа қўшимчаларининг кўп турларини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномавий мажбуриятлар бажарилди.

89 минг трактор, 56 минг трактор плуги, 10 минг дискли борона, 55 минг трактор культиватори, 42 минг трактор сеялкаси, ерга минерал ва органик ўғит соладиган 27 минг машина етказиб берилди.

Минерал ўғит (озуқа моддалари 100 процент ҳисоблаганда) етказиб бериш 7,2 миллион тоннани ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 153 минг тонна кўпдир, ўтган йилнинг шу даврига қараганда 41 минг тонна кўп ёки 306 минг тонна химиявий озуқа қўшимчалари етказиб берилди.

Айни вақтда шартномаларга кўра Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР ва Арманистон ССРдаги истеъмолчиларга азот ўғити, Украина ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Қирғизистон ССР ва Эстония ССРдаги истеъмолчиларга фосфат ўғити, Қозоғистон ССР, Молдавия ССР, Арманистон ССР ва Эстония ССРдаги истеъмолчиларга калий ўғитлари етказиб беришда қолоқликка йўл қўйилди.

Ўн иккита иттифоқдош республикалар хўжаликлари **кўкламги экишга** киришдилар. 4 апрелга қадар 3,8 миллион гектар ерга баҳорги экинлар, шу жумладан, 2,2 миллион гектар ерга дон ва дуккакли дон экинлари экилди.

Агросаноат комплексида (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ҳам қўшганда) пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 10 миллиард сўмлик **капитал маблағлар** ўзлаштирилди. Бу белгиланган лимитнинг 104 процентини ташкил этди. Мева-сабзавот консервалари, гўшт ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга солинди; картошка, сабзавот ва мева омборлари, минерал ўғитлар, заҳарли дорилар ва оҳак материаллар сақланадиган механизациялашган омборлар, қишлоқ хўжалиги учун магистрал водопроводлар, элеваторлар, тегирмонлар ва омухта ем корхоналари ишга туширилди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда **чорва моллар ва паррандалар** бир йил мобайнида қуйидагича ўзгарди (миллион бош ҳисобида):

| | 1 апрелга қадар | |
|---|---|---|
| | 1987 йил | 1988 йил |
| қорамол | 98,2 | 96,7 |
| шу жумладан, сигирлар | 29,2 | 28,8 |
| чўчқалар | 59,9 | 58,1 |
| қўй ва эчкилар | 134,8 | 135,7 |
| парранда | 785,5 | 793,7 |

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлатнинг марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари ҳисобига 17,3 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди.

Красноярск ўлкасида биринчи Берёзовская ГРЭСи, Рязань областида магнитогидродинамик тажриба-саноат энергетика блоки ишга солинди. Кемерово областидаги «Сибиргинский» разрезида кўмир қазиб олиш бўйича қувватлар, Воронеж областидаги Россошь химия заводида синтетик аммиак ишлаб чиқариладиган қувватлар, Саранск шаҳридаги «Электровипрямител» ишлаб чиқариш бирлашмасида ярим ўтказгичли кучланиш приборлари, Суми шаҳридаги нефть конлари ускунаси заводида оғир ва олдинги пармалаш қувурлари ишлаб чиқариладиган қувватлар, эксплуатация мақсадида қазилган 3 мингдан кўпроқ нефть қудуғи, кучланиши 35 киловольт ва ундан ҳам юқорироқ бўлган 3,3 минг километр узунликдаги электр линиялари фойдаланишга топширилди. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилди.

23,2 миллиард сўмлик марказлаштирилган **давлат капитал маблағлари** ўзлаштирилди, бу даврга белгиланган лимитнинг 99,6 процентини ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг 10,9 миллиард сўмлик маблағларидан фойдаландилар, уларнинг капитал маблағ ҳажмидаги улуши 32 процентга, жумладан, ёқилғи-энергетика комплексида 28 процентга, металлургияда 49 процентга, машинасозликда 63 процентга, химия-ўрмон комплексида 64 процентга етди.

**Комплекслар бўйича** лимитдан фойдаланиш, давлат марказлаштирилган капитал маблағларининг ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағларининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

| | I квартал лимитидан фойдаланиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| ёқилғи-энергетика комплекси | 105 | 113 |
| металлургия комплекси | 99,7 | 92 |
| машинасозлик комплекси | 117 | 97 |
| химия-ўрмон комплекси | 98 | 109 |
| агросаноат комплекси | 103 | 107 |
| қурилиш комплекси | 107 | 107 |
| СССР Енгил саноат министрлиги | 129 | 125 |

СССР Атом энергетикаси министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Медицина-биология саноати министрлиги, СССР Шарқий районларида қурилиш министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигида капитал маблағлар лимити паст даражада ўзлаштирилди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари**, ҳажми 7 процент, **меҳнат унумдорлиги** 8,9 процент, қурилиш комплекси ташкилотларида ана шу кўрсаткичлар мувофиқ тарзда 7 процент ва 9,5 процент ортди. Умуман қурилиш ташкилотларида пудрат ишлари плани 104 процент бажарилди. Қурилиш комплексига қарашли 31 министрлик ва идорадан 7 таси — СССР Урал ва Сибирь районларида Қурилиш министрлиги, Грузия ССР, Молдавия ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР Қурилиш министрликлари ва Қирғизистон ССР давлат қурилиш комитети план топшириқларини бажармадилар.

## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспортда **юк жўнатиш** ва **юк обороти** қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | Жўнатилган юклар | | юк обороти | |
|---|---|---|---|---|
| | 1988 йилнинг I кварталида, миллион тонна | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида | 1988 йилнинг I кварталида миллиард тонна-километр | 1988 йил I кварталида 1987 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
| транспортнинг ҳамма турлари | 3019 | 104 | 1985 | 108 |
| шу жумладан: | | | | |
| Темир йўл транспорти | 1014 | 107 | 971 | 108 |
| қувур транспорти | 312 | 104 | 720 | 106 |
| денгиз транспорти | 63 | 114 | 258 | 114 |
| автомобиль транспорти | 1629 | 102 | 35 | 106 |
| авиация транспорти | 0,7 | 98 | 0,8 | 99 |

Темир йўл транспортида умуман юк жўнатиш топшириғи 105 процент; денгиз транспортида чет элларга ва чет эллардан юк ташиш 104 процент бажарилди.

32 та темир йўлдан фақат Ғарбий Сибирь темир йўли юк жўнатиш планини уддалай олмади. (план 98 процент бажарилди); чет элда юк ташиш юзасидан 16 та денгиз пароходчилигидан Приморье пароходчилиги (88 процент), Мурманск пароходчилиги (91 процент), Сахалин пароходчилиги (94 процент), Қора денгиз пароходчилиги (96 процент) топшириқни бажара олмади.

Умумий фойдаланишдаги транспорт ҳамма турларида **пассажир обороти** 4 процент кўпайди ва 235 миллиард пассажир-километрга етди.

Темир йўл транспортида пассажир обороти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 процент кўпайди ва 81,7 миллиард пассажир километрни ташкил этди. План 103,9 процент бажарилди.

Граждан авиациясида пассажир обороти 38,1 миллиард пассажир-километрга етди. Ёки ўтган йилнинг январь—март ойидагига нисбатан 5,1 процент кўпайди. Ана шу кўрсаткич бўйича план 102,4 процент бажарилди. Граждан авиациясининг 32 та бошқармаси ва ишлаб чиқариш бирлашмаси орасида Шарқий Сибирь (95 процент), Магадан (96 процент), Якутия (99,7 процент), Туркманистон (99,9 процент) бошқармалари, шунингдек халқаро ҳаво йўллари марказий бошқармаси (98 процент) планни бажара олмадилар.

Ҳаракат графикларини бузиш давом этмоқда. Самолётлар қатнови жадвалига кўра (маҳаллий қатновлар бу ҳисобга кирмайди) жами қўнишларнинг фақат 79 процентигина ўз вақтида бўлди (ўтган йилнинг биринчи кварталида бу кўрсаткич 72 процент бўлган эди); пассажир поездлари қатновида (шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар бу ҳисобга кирмайди) шу кўрсаткичлар 89 процентни ва 84 процентни ташкил этди.

Темир йўл транспортида юк ташишда ходимларнинг меҳнат унумдорлиги топшириқдагига нисбатан 9,6 процент юқори бўлди ва 1987 йилнинг 1 кварталига нисбатан 10,1 процент ортди. Темир йўл транспортида юк ташиш таннархи планга нисбатан 3 процент арзонлашди, планга қўшимча тарзда 170 миллион сўм фойда олинди.

Умум фойдаланишдаги автобусларда ва енгил таксиларда пассажир ташишдан 2 миллиард сўм миқдорида даромад (топшириққа нисбатан 102 процент ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 104 процент) олинди. Шу кўрсаткич бўйича Озарбайжон ССР (97 процент), Литва ССР (99 процент), Ўзбекистон ССР (99,3 процент), Молдавия ССР (99,4 процент) Автомобиль транспорти министрликлари (автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрликлари) планни бажара олмадилар.

Биринчи кварталда аҳолига 893,5 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,3 процент кўп **алоқа** хизмати кўрсатилди. Шу кўрсаткич бўйича белгиланган план 100,8 процент бажарилди. Алоқа корхоналарининг телефон тармоғида асосий телефон аппаратларининг сони 1 апрелгача 1988 йилнинг 1 январига нисбатан 637 минг дона кўпайди.

## IV. Социал ривожланиш ва халқ турмуш даражасининг ошиши

1988 йил 1 апрелда аҳоли 285,2 миллион кишига етди.

**Меҳнат ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари.** Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу давридаги 202 сўмдан 210 сўмга етди ёки 4 процент кўпайди, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидаги меҳнат ҳақи 143 сўмдан 148 сўмга етди (3 процент кўпайди).

Ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиш давом этмоқда. Бу шароитга ўтиш Эстония ССРда ниҳоясига етказилди. Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Молдавия ССР, Ўрта Осиё республикалари бошқа иттифоқдош республикалардан орқада қолмоқдалар.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 40 миллиард сўмликдан кўпроқ, яъни ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 2 миллиард сўм кўп **тўлов ва имтиёзлар** олди.

Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига ўн йил ва ундан кўпроқ вақт муқаддам белгиланган пенсияларни кўпайтириш давом эттирилди. 1988 йилнинг 1 январидан эътиборан колхоз аъзолари ва уларнинг оилаларига камида ўн йилдан бери тўлаб келинаётган пенсияларнинг энг оз миқдорлари оширилди.

Медицина хизматини яхшилаш тадбирлари ўтказилди. Беморлар овқати, дори-дармон, соғлиқни сақлаш муассасалари учун асбоб-ускуна ва анжомлар сотиб олиш харажатларининг нормалари кўпайтирилди, уч ёшгача бўлган болаларни даволаш учун дори-дармонни текинга бериш ва бошқа имтиёзлар жорий этилди.

Етим болаларнинг ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларнинг моддий таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Аҳолининг СССР Омонат банки муассасаларидаги омонатлари квартал мобайнида 8,1 миллиард сўм миқдорида ошди.

**Аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш.** Аҳолига халқ истеъмол моллари сотиш ва пулли хизматлар кўрсатиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти** ҳажми 86,5 миллиард сўмликни ташкил этди ва 1987 йилнинг биринчи кварталига нисбатан (амалдаги нархларда) 4,6 миллиард сўмлик кўп бўлди.

Умуман мамлакатда товар обороти умумий ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ 527 миллион сўмлик миқдорда бажарилмади. Топшириқларни Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Болтиқбўйи республикалари уддаладилар.

Алкоголли ичимликлар сотиш тахминан 1987 йилнинг биринчи квартали даражасида бўлди. Шу билан бирга арақ ва ликер-арақ маҳсулотларини сотиш 4 процент қисқарди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим молларни сотишга оид маълумотлар қуйидагича бўлди (таққослама нархларда; (миллиард сўм ҳисобида):

| | 1988 йилнинг I кварталида сотилди | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 7,2 | 103 |
| Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | 1,3 | 100 |
| Сариёғ | 1,4 | 105 |
| Ўсимлик ёғи | 0,4 | 100 |
| Маргарин маҳсулоти | 0,4 | 96 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари | 2,2 | 103 |
| Пишлоқ | 0,4 | 102 |
| Тухум | 1,3 | 107 |
| Қанд-шакар | 1,7 | 110 |
| Кондитер маҳсулотлар | 2,9 | 104 |
| Чой | 0,5 | 105 |
| Нон маҳсулотлари, миллион тонна | 9,2 | 98 |
| Картошка, миллион тонна | 1,9 | 95 |
| Сабзавот, миллион тонна | 1,7 | 99,6 |
| Мева ва цитрус мевалар, миллион тонна | 0,8 | 76 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 87 | 121 |
| Минерал сувлар, миллион декалитр | 35 | 117 |
| Мева ва сабзавот шарбатлари, миллиард шартли банка | 1,3 | 112 |
| Тамаки маҳсулотлари | 1,6 | 97 |
| Кийим-кечак, ич кийим ва газламалар | 9,6 | 100 |
| Трикотаж буюмлар | 3,7 | 99 |
| Пайпоқлар | 0,9 | 110 |
| Пойабзал | 3,1 | 99 |
| Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар | 0,7 | 107 |
| Совун ва синтетик кир ювиш воситалари | 0,5 | 108 |
| Мебель | 2,2 | 106 |
| Холодильник ва морозильниклар, миллион дона | 1,1 | 112 |
| Шу жумладан камерасининг сиғими 200 куб дециметр ва ундан юқори холодильник ва морозильниклар | 0,6 | 112 |
| Кир ювиш машиналари, миллион дона | 1,4 | 115 |
| Электр пилесослар, миллион дона | 1,0 | 111 |
| Соатлар, миллион дона | 14,2 | 107 |
| Фотоаппаратлар, миллион дона | 0,5 | 102 |
| Радиоприёмник қурилмалар, миллион дона | 1,8 | 96 |
| Телевизорлар, миллион дона | 2,3 | 116 |
| Шу жумладан рангли телевизорлар | 1,3 | 138 |
| Магнитофонлар, миллион дона | 1,5 | 113 |
| Спорт товарлари, миллиард сўмлик | 0,3 | 109 |
| Велосипед ва мопедлар, миллион дона | 1,1 | 100 |
| Мотоцикл ва мотороллерлар, миллион дона | 0,3 | 108 |
| Жорий ишлаб чиқариш ҳисобига енгил автомобиллар, минг дона | 175 | 96 |
| Ёғоч-тахта материаллари, миллион куб метр | 3,9 | 110 |
| Шифер, миллиард шартли тахта | 1,3 | 128 |
| Автомобиль бензини миллион тонна | 1,1 | 130 |

Савдога гўшт ва сут маҳсулотларининг тушиши кўпайишига қарамай, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талаби қондирилаётгани йўқ.

Бир қанча шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги магазинларда карамель, конфет, печенье, пряник ва бошқа кондитер маҳсулотлари узоқ вақт сотилмаяпти. Нон ва нонбулка маҳсулотларининг турлари ва сифати айрим ҳолларда аҳолининг талабларига муносиб эмас.

Аҳоли картошка ва мевалар билан қониқарсиз таъминланди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва матлубот кооперациясининг ташкилотлари бозорларда мева-сабзавот маҳсулотлари сотишни зарур даражада ривожлантирмадилар. Натижада шаҳарлардаги колхоз бозорларида нарх-наво ошиб бормоқда. Шу бозорлардаги нарх-наво ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 8 процент, шу жумладан картошка нархи 21, сабзавот нархи 2, мева нархи 18 процент кўтарилди.

Аҳолини кийим-бош ва пойабзал билан таъминлашдаги тиғизлик бўшашмаяпти, магазинларда кийим-кечак ва пойабзалнинг турлари кам. Савдода мавжуд бўлган маҳсулотларнинг фасони эскирганлиги ва сифати қониқарсизлиги сабабли аҳоли уларни ҳамиша ҳам сотиб олаётгани йўқ.

Аҳолининг спорт ва туризм товарларига бўлган талабини қондириш муаммоси суст ҳал этилмоқда.

Энг зарур рўзғор буюмлари билан савдо қилиш ишининг аҳволи секинлик билан яхшиланмоқда. Бир қанча регионларда кўпгина рўзғор буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунинг оқибатида энг оддий нарсалар кўпинча олис районлардан ташиб келтирилмоқда.

Савдога ёғоч ва қурилиш материаллари ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,3 баравар кўп етказиб берилди. Аммо аҳолининг шу материалларга бўлган талаби тўлатўкис қондирилмаяпти.

Аҳолига кўрсатилган **пулли хизматлар ҳажми** 13 миллиард сўмликка етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,8 процент кўпайди. Пулли хизмат кўрсатиш плани бажарилди.

Корхоналарда шундай хизмат соҳаси муносиб равишда ривож топгани йўқ. Хизмат кўрсатиш асосий фаолият бўлмаган 46 та министрлик ва идорадан атиги 12 таси хизмат кўрсатиш планининг бажарилишини таъминлади.

Пулли хизматлар ҳажмининг ярмиси уй-жой-коммунал ва транспорт хизматига, тахминан чорак қисми маиший хизматга тўғри келади. Аҳолига 3,2 миллиард сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маиший хизмат ҳажми 12,7 процент кўпайди. План 101,1 процент бажарилди. Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР ва Туркманистон ССР пландан орқада қолинишига йўл қўйдилар. Қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш плани 100,8 процент бажарилди.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш.** Жами сахни 12,9 миллион квадрат метр уй-жой, шу жумладан корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағлари ҳисобидан 2,9 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш 5 процент кўпайди. Умуман мамлакатда биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Молдавия ССРдан бошқа ҳамма иттифоқдош республикаларда топшириқларнинг бажарилиши таъминланди.

50,2 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 4,1 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 30,1 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилди, 5,7 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 11,7 минг беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, 11,5 минг ўринли клуб ва маданият уйлари қурилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 процент кўп умумий таълим мактаблари, 72 процент кўп ҳунар-техника билим юртлари, 37 процент кўп мактабгача тарбия муассасалари, 2,1 баравар кўп касалхоналар, 11 процент кўп поликлиникалар ишга туширилди. Шундай объектларни ишга тушириш юзасидан белгиланган биринчи квартал плани бажарилди.

Тожикистон ССРда мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни, Арманистон ССР, Эстония ССР ва Молдавия ССРда клублар ҳамда маданият уйларини ишга тушириш планлари бажарилмади.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** соҳасидаги ишда экологик вазият жуда кескин бўлган регионларга алоҳида эътибор берилди. Махсус тузилган ҳукумат комиссияси Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини тайёрламоқда.

Шу билан бирга табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуришда, шу жумладан Астрахань газ комплекси сингари йирик саноат корхоналарида бундай объектларни қуришда орқада қолинди. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш ҳолларига йўл қўйилди. Жумладан, Олмаота, Вологда шаҳарларида, Камчатка областида ва бошқа районларда сув манбалари авария тарзида булғатилиши ва оқава сувларни бир йўла кўплаб чиқариб ташлаш ҳоллари рўй берди. Назоратчи органлар СССР Медицина ва биология саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Рангли металлургия саноати министрлиги, СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлигининг ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажармаётган бошқа министрликларнинг айрим ишлаб чиқаришлари ва корхоналари ишини тўхтатиб қўйдилар.

Табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилаш соҳасидаги ишни такомиллаштириш мақсадида мамлакатдаги табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш юзасидан Асосий йўналишлар белгиланди.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, экономикани ривожлантиришда биринчи кварталда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ҳамда бу йилги планларни муваффақиятли бажариш борасидаги куч-ғайратларини тобора оширмоқдалар.

**СССР Давлат статистика комитети**

